



## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЭХИНОКОККОЗ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

**Файзибоев Пирмамат Нормаматович**

Самарқанд давлат тиббиёт университети,  
Гигиена кафедраси мудирини т.ф.д. доцент

**Карабаев Азамат Худойбердиевич**

Самарқанд давлат тиббиёт университети,  
Гигиена кафедраси магистри

**Миртозаев Ислон Рўзимурот ўғли**

Самарқанд давлат тиббиёт университети,  
Гигиена кафедраси магистри

**Файзибоев Бекзод Пирмамат ўғли**

Алфраганус университети талабаси

**Аннотация:** Эхинококкоз человека является паразитарной болезнью, вызываемой ленточными червями рода *Echinococcus*. Двумя основными формами болезни у людей являются кистозный эхинококкоз (гидатидоз) и альвеолярный эхинококкоз. Инфицирование людей происходит при поглощении яиц паразита, содержащихся в зараженных пищевых продуктах, воде или почве, или в результате прямого контакта с животными-хозяевами паразита.

В эндемичных районах показатели заболеваемости людей кистозным эхинококкозом могут превышать 50 на 100 000 человек в год, а в некоторых частях Аргентины, Перу, Восточной Африки, Центральной Азии и Китая уровни распространенности могут достигать 510%. Среди сельскохозяйственных животных показатели распространенности кистозного эхинококкоза, выявляемого на скотобойнях в гиперэндемичных районах Южной Америки, варьируются в пределах от 20 до 95% забиваемых животных.

**Ключевые слова:** Cyclophyllida, *Echinococcus granulosus*, *Echinococcus multilocularis*, *Echinococcus vogeli*, Human echinococcosis, эхинококкоз

**Abstract:** Human echinococcosis is a parasitic disease caused by tapeworms of the genus *Echinococcus*. The two main forms of the disease in humans are cystic echinococcosis (hydatidosis) and alveolar echinococcosis. Humans become infected through the ingestion of parasite eggs contained in contaminated food, water or soil, or through direct contact with animal hosts of the parasite.

In endemic areas, human incidence rates of cystic echinococcosis may exceed 50 per 100,000 people per year, and in parts of Argentina, Peru, East Africa, Central Asia and China, prevalence rates may be as high as 5–10%. Among farm animals, the prevalence of cystic echinococcosis detected in slaughterhouses in hyperendemic areas of South America varies from 20 to 95% of animals slaughtered.

**Key words:** Cyclophyllida, *Echinococcus granulosus*, *Echinococcus multilocularis*, *Echinococcus vogeli*, Human echinococcosis.

**Мавзунинг долзарблиги:** Эхинококкоз – бу тасмасимон гижжаларга мансуб бўлган пуфакча шаклдаги эхинококкларнинг (*Echinococcus granulosus*,



Taenia echinococcus) одамлар ва ҳайвонларнинг турли аъзоларига кириши ва ривожланиши сабабли пайдо бўладиган гижжа касаллигидир.

Инсон эхинококкози Cyclophyllida отрядининг Taeniidae оиласига кирувчи систодаларнинг личинка босқичидаги 4 тури билан юзага келади: *Echinococcus granulosus* (А. Батсч, 1786), *Echinococcus multilocularis* (Р.Леускарт, 1862); Эхинококкус олигартхрус (К.М.Диесинг, 1863) ва *Echinococcus vogeli* (Р.Л.Раусч, Ж.Ж.Бернштейн, 1972). Клиник амалиётда дастлабки икки турдаги қоъзғатувчилар энг кўп тарқалган ҳисобланади.

Самарқанд вилояти Зарафшон водийсида жойлашган бўлиб Жиззах вилояти, Тожикистон Республикаси, Қашқадарё ва Навоий вилояти билан чегарадош.

Вилоятнинг марказий қисми гузал воҳадан иборат бўлиб, бу воҳа унча кенг бўлмай шарқдан-ғарбга томон Зарафшон ва Туркистон тоғ тизмалари орасини эгаллаган. Вилоятнинг асосий суғориладиган ерлари худди ана шу майдонларни эгаллаган.

Аҳоли сони 2022-йил ҳолатига кўра, 4 млн 077 минг 400 киши [2]. Бу жиҳатидан Самарқанд вилояти республикада биринчи ўринда ва республика аҳолисининг 11.4 фоизини ташкил этади. Самарқанд вилоятида 2022- йил 1-июл ҳолатига 1 квадрат километрга ўртача 242,7 киши тўғри келган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, форслар, украин, озарбайжон, арман, корейс, белорус, татар, месхети турклари, яҳудийлар ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Вилоят ҳудуди 16,88 минг км<sup>2</sup>. Самарқанд вилояти қишлоқ туманлари сони бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар орасида биринчи ўринни эгалайди. Бу вилоятда бундай туманлар сони 16 та. Улар қуйидагилар: Булунғур, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Нуробод, Оқдарё, Паяриқ, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Тойлок, Ургут ва Қўшработ туманлари. Шаҳарлар сони 2 та, булар Самарқанд ва Каттақўрғон.

Кўҳна, ноёб тарихий обидаларга бой бўлган Самарқанд шаҳри вилоятнинг марказий шаҳри бўлиб, у 1924-1930-йилларда Ўзбекистон пойтахти вазифасини бажарган.

Самарқанд вилояти ҳудудларида эхинококкоз касаллигининг ўчоқлари мавжуд бўлганлиги, барча ҳудудларида ушбу касаллик ҳанузгача учраб турганлиги бу эса ўз вақтида, кечиктириб бўлмайдиган профилактик чоратadbирларни ташкиллаштириш зарурлигидан далолат беради.

**Мақсад:** Инсонлар орасид эхинококкоз касаллигини келтириб чиқарувчи омиллар ва ушбу омилларнинг касалланиш кўрсаткичига таъсирини ўрганиш




ҳамда эпидемиологик назорат тизимини ва профилактикасини такомиллаштириш натижасида касалланишнинг камайтиришга имкониятлар яратишдан иборат.

**Тадқиқот натижалари:** ЖССТ мутахассисларининг таъкидлашича, ҳар бир юқумли касалликнинг олдини олиш ва даволаш бўйича тузилган дастурларни тадбиқ этишда, эпидемиологик назоратни самарали амалга оширмасдан муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Самарқанд вилояти ҳудудларида эхинококкоз касаллигининг оъчоқлари мавжуд бўлиб, йил давомида касалланиш ҳолатлари роъйхатга олиб борилади.

Самарқанд вилоятида эхинококкоз касаллиги билан касалланиш даражасини коъп йиллик динамикада оърганиш мақсадида Оъзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги коъмитаси ва унинг Самарқанд вилояти Бошқармасининг эхинококкоз касаллиги боъйича 2012 – 2022 йиллар оралиғидаги маълумотларини ретроспектив таҳлилини оътказдик.

Самарқанд вилоятида эхинококкоз касаллиги билан касалланишнинг коъп йиллик динамикасини таҳлили эпидемик жараён тенденсиясида, даврийлик ва номунтазам тебранишлар мавжудлигини коърсатди. Оърганилган йиллар давомида касалланиш коърсаткичи 100 минг аҳолига 0,4 – 2,3 ни ташкил қилган (1-расм).



**1-расм. Самарқанд вилоятида эхинококкоз касаллиги билан касалланиш даражасини кўп йиллик динамикада (100000 аҳолига нисбатан 2012-2022 йиллар)**


Таҳлилининг дастлабки йили – 2012 йилда эхинококкоз билан касалланиш 100000 аҳолига нисбатан интенсив кўрсаткичи – 2,3 бўлган ва таҳлил қилинган йиллардаги энг юқори кўрсаткични ташкил этган бўлиб, кейинги йилларда



камайиш тенденцияси қайд этилган ва 2022 йилга келиб касалланиш кўрсаткичи 0,4 гача камайган.


2015 йилдан 2022 йилгача касалланишнинг ҳудудлар бўйича тарқалганлигини аниқлаш мақсадида вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги касалланиш ҳолати таҳлил қилинди. Самарқанд вилоятида шаҳар ва туманларида 2015-2022 йиллар давомида рўйхатга олинган эхинококкоз касаллигининг таҳлили шуни кўрсатадики, касалланиш барча ҳудудларда бир хил тарқалмаган.

Эхинококкоз билан касалланиш кўрсаткичини мавсумийлигини аниқлаш мақсадида касалланганларни ойма-ой таҳлил қилганимизда қуйидагилар аниқланди 2-расм.



**2-расм. Самарқанд вилоятида касалланганларнинг ойлар бўйича тақсимланиши**


Самарқанд вилоятида эхинококкоз билан касалланганларни ойма-ой таҳлил қилганимизда (2-расм). май, август ва ноябр ойларида касалланганлар коьпроқ аниқланган, қолган ойларда беморлар деярли бир хилда аниқланди, бу касалликнинг мавсумга боғлиқ эмаслигини кўрсатади.



**3-расм. Самарқанд вилоятида касалланганларнинг эркак ва аёллар оьртасида тақсимланиши**

Эхинококкоз билан касалланишни олдини олишда ва профилактик чоратadbирларини ишлаб чиқишда, касалликни турли аҳоли гуруҳлари орасида тарқалганлик даражасини аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга.

2022 йилдаги Самарқанд вилоятидаги касалланганларни эркак ва аёллар ўртасида ўтказилган таҳлил натижаси шуни кўрсатадики (3-расм) Самарқанд вилоятида эхинококкоз эркакларда (48%) ва аёллар (52%) оьртасида катта фарқ қилмайди, деярлик бир хилда тарқалган. Бу касалликнинг тарқалишида жинснинг аҳамияти йўқлигидан дарак беради.



**3.9-расм. Эхинококкоз касаллигининг тошкент вилоятида ёшлар бўйича тақсимланиши (2013 йили, фойзларда)**

**4-расм. Эхинококкознинг ёшлар бўйича тақсимланиши**

Самарқанд вилоятида касалланиш кўрсаткичларини ёшлар бўйича таҳлил қилганимизда 14-20 ёшлилар-13%, 21-28 ёшлилар-31%, 29-36 ёшлилар- 21%, 37-44 ёшлилар-11% ни ташкил қилди. Демак, аҳолининг асосан ишга яроқли ёшларида касаллик энг кўп қайд қилинмоқда (4-расм).



**Хулоса:** Эхинококкоз тарқалишида одамлар жинсининг аҳамияти йўқлиги аниқланди. Эхинококкоз асосан аҳолининг ишга яроқли 21-40 ёшларида кўпроқ қайд қилинмоқда, шунингдек касалликка ҳеч қаерда ишламайдиганлар, уй бекалари ва ўқувчилар кўпроқ чалиниши аниқланди.

Юқоридаги изланиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда шундай хулосага келишимиз мумкинки, аҳолининг бу касалликларга чалинишига кўп ҳолатларда эпидемиологик ва ветеринария назоратининг сусайиши, аҳолининг бу касалликнинг оқибатлари ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги касалланиш ҳолатларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Салимов Ш.А. Болаларда эхинококкоз касаллигини уйғунлаштирилиб даволашда янгича ёндошиш муаммолари / Ш.А. Салимов, Б.З. Абдусаматов, М.П. Чориев, А.З. Факиров // Хирургия Узбекистана.-Т., 2001.-С.88-89
2. Fayziboev Pirmamat Nurmatovich, Raximova Durdon Jurakulovna ((2021). The importance of the international hassp system in the production of quality and safe confectionery products 11 (10) 1184-1186
3. Мусаев Г.Х. Диагностика и комплексное лечение гидатидозного эхинококкоза: Дис... дра мед. наук. — М., 2000. — 342 с.
4. Faiziboev Pirmamat Normamatovich, Fakhritdinov Shokhrukh Fakhritdinovitch, Roziklov Dilshod Allayorovich, Obloberdiev Okhunjon O'tkirovich, & Fayziboev Bekzod Pirmamatovich. (2024). ESTIMATES OF CONSUMPTION OF CONFECTIONERY PRODUCTS IN THE AVERAGE DAILY DIETS OF THE POPULATION IN THE SUMMERAUTUMN SEASON. *INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY*, 2(1), 142–149.
5. Файзибоев П. Н. ИНСОН ОВҚАТЛАНИШИДА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ //GOLDEN BRAIN. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 47-51.
6. Файзибоев П. Н. и др. ОЗИҚ-ОВҚАТМАҲСУЛОТЛАРИДАН БАКТЕРИАЛ ЗАҲАРЛАНИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА НАССР ХАЛҚАРО ТИЗИМИНИ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 226-229.
7. Файзибоев П. Н. и др. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИ БИЛАН КАСАЛЛАНИШНИНГ ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 230-233.
8. Файзибоев П. Н. и др. САБЗАВОТ, ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ



- //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 221-225.
9. Файзибоев П. Н. и др. ТЕХНОЛОГИЯ ПРИГОТОВЛЕНИЯ ИЗ НАЦИОНАЛЬНЫХ КОНДИТЕРСКИХ ИЗДЕЛИЙ НАВВАТА //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 149-153.
10. Файзибоев П. Н. и др. АҲОЛИНИНГ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШИДА МАҲСУЛОТЛАРНИНГ БИОЛОГИК ҚИЙМАТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 215-220.
11. Файзибоев П. Н. и др. ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА КРИТЕРИЕВ БЕЗОПАСНОСТИ И ПИЩЕВОЙ ЦЕННОСТИ ПЛОДООВОЩНОЙ ПРОДУКЦИИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 71-76.
12. Файзибоев П. Н. Файзибоев Бекзод Пирмамат ўғли.(2023). ФУНКЦИОНАЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ОҒИЗ БЎШЛИГИ КАСАЛЛИКЛАРИДА ТУТГАН ЎРНИ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – Т. 1. – №. 8. – С. 60-64.
13. Файзибоев П. Н. и др. Сабзаёт ва полиз маҳсулотларини сақлаш ва ташишда нозик назорат нукталардаги хавфли омилларни баҳолаш //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2024. – Т. 2. – №. 3. – С. 6-12.
14. Шайкулов, Х. Ш., & Исокулова, М. М. (2022). Бактериоциногенная активность антибиотикоустойчивых штаммов стафилококков, выделенных в Самарканде. In Перспективы развития науки в современном мире (pp. 110-116).
15. Азимова, А. А., Маликов, Д. И., & Шайкулов, Х. Ш. (2021). МОНИТОРИНГ ЭТИОЛОГИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ СЕПСИСА ЗА. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 48.
16. Shodievich, S. H., & Fazliddinova, B. M. (2023). STORAGE OF SALMONELLA, ESHIRICHIA AND STAPHYLOCOCCUS IN SOME DAIRY PRODUCTS DURING ITS STORAGE AT DIFFERENT TEMPERATURES. World Bulletin of Public Health, 19, 136-141.
17. Шайкулов, Х. Ш. Antibiotikorezistent laktobakteriyalardan foydalanishning samaradorligi / Х. Ш. Шайкулов, С. М. Хаитов, Ф. Б. Эшмаматова, М. Б. Ташполатова. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2023. — № 10 (457). — С. 268-271. — URL: <https://moluch.ru/archive/457/100581/>